



*Маънавият тарғиботчисига ёрдам*

**А. БЎРОНОВ**

**ТАНГРИЧИЛИК  
МАЪНАВИЯТГА  
ТАҲДИД СИФАТИДА**



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

**АНВАР БҶРОНОВ**

**ТАНГРИЧИЛИК  
МАЪНАВИЯТГА  
ТАХДИД СИФАТИДА**

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2019

УЎК 13  
КБК 71.0  
Б 99

Бўронов, Анвар.  
Тангричилик маънавиятга таҳдид сифтида  
[Магн] / А. Бўронов – Тошкент: «Маънавият»,  
2019. – 40 б.

ISBN 978-9943-04-378-7

Ушбу рисолада тангричилик дини маънавиятида  
таҳдид сифтида кўрсатилиб, диннинг асосий таълимотла-  
ри, маросимлари, урф-одатлари чуқур таҳдид қилинган.

УЎК 13  
КБК 71.0

М а с ь у л м у х а р р и р:

**А.К. Кодиров,** *Республика Маънавият ва*  
*марифат маркази раҳбари*

Т а к р и з ч и:

**У. Усатов,** *тарих фанлари доктори, профессор*

ISBN 978-9943-04-378-7

© «Маънавият», 2019



## КИРИШ

Инсоният тарихини ўрганар эканмиз, шу нарсага амин бўламизки, тарихан шаклланган ҳеч бир таълимот, ғоя ёки маданият унсурлари ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетган эмас. Аксинча, кейин пайдо бўлган маданиятлар, ғоялар ва таълимотларда ўз изини қолдириши, аксар ҳолларда эса янги ғоя сифатида қайтадан бўй кўрсатиши мумкин.

Аmmo биз кўп ҳолатларда ўзгаришлар даврида яшаётганлигимизни, таҳдидлар ва хавфлар доимо ўзгариб туриши мумкинлигини унутиб қўямиз. Хавфни четдан қўтамиз, ammo четдан келаётган хавфларга ичкаридан ҳам қўмак берувчилар борлигини унутамиз. Шунингдек, айрим салбий хусусиятлар урф-одатларимиз, миллий, этник, оилавий қадриятларимизда яширинганини, бу иллатлари хулқ-атворимизда, турмуш тарзимизда намоён бўлишини, айрим ҳолатларда эса бу иллатлар жамият бирлигига раҳна солиши мумкинлигига эътибор бермаймиз. Бу ҳақда мамлакатимиз президенти Шавкат Мирзиёев куйидагича фикр билдиради: «Биз олатда жамиятимиз ҳаётига қарши қаратилган хавф-хатарлар ҳақида гапирганда, кўпинча четдан қирадиган таҳдидларни тушунамиз. Лекин эски замондан қолган айрим салбий ҳолатлар, афсуски, бутунги тинч ва ёруғ ҳаётимизга соя солиб турибди»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> *Шавкат Мирзиёев.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. 351-б.